

12«12»2022 yil.

544-1-24-ХТ/2022-сон

## ШАРТНОМА № 4

2022 йил « 2 » декабр

Мархамат туман

Үз низомига асосан фаолият кўрсатаётган Мархамат ДПО (ЕНГ.САКЛ.КУНГ.Ж) раҳбари Н.Паязова бундан бўён «Бажарувчи» деб юритилади бир томондан ва Мархамат туман Халқ таълими бўлими номидан раҳбар А.Болтабоев бундан бўён «Буюртмачи» деб юритилади, иккинч томондан ушбу шарномани туздилар.

### 1. Шартнома мазмуни

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг топшириғига биноан тумандаги барча мактабларга ёнгинни қийинлаштирувчи кимёвий суюқлик билан ишлов бериш ишларини кўрсатиш қуидаги тартибда.

№	Хизмат тури	Жами ишлов бериш ишлари (м2)	2022-2023 йил учун Махсус ёнгинни қийинлаштирувчи кимиёвий суюқлик билан ишлов бериш ишлари (1м2) учун сўмда	Умумий қиммати
1	Ёнгинни қийинлаштирувчи кимиёвий суюқлик билан ишлов бериш ишлари	5681	3510	19940310

Шартноманинг умумий суммаси 19940310 ( Ўн тўққиз миллион тўққиз юз кирқ минг уч юз ўн) сўмни ташкил қиласди.

1.2. «Буюртмачи» кўрсатилган хизматари учун тўловларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

### 2. Хизмат кўрсатиш ишларини бажариш тартиби.

2.1. Хизмат ишлари «Буюртмачи» нинг жойида кўрсатилади. «Бажарувчи» ушбу хизматларни «Буюртмачи» нинг талаби асосида бажариши шарт.

2.2. «Буюртмачи» хизмат кўрсатиш ишларини амалга ошириш хамда хизматларни расмийлаштириш учун «Бажарувчи» билан алока килувчи шахсни тайинлайди.

2.3. «Бажарувчи» кўрсатилган хизматларини сифатига кафолат беради. Ушбу шартномани 1.2 бандидаги талаблар «Буюртмачи» томонидан бажарилган ва кўрсатилган хизматларига «Бажарувчи» тўла жавобгар бўлади.

### 3. Шартнома қиммати ва хисоб-китоб тартиби

3.1. Хисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Фазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, маблағ 20 банк иш кунида «Буюртмачи» бажариб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30 % и олдиндан аванс тариқасида «Бажарувчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Қолган охирги 70 % изи «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизматлар хисоб варак фактуралари асосида 10 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Бажарувчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, хизматларни «Буюртмачи» га бажарив беради.

#### **4. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Томонлар бошка томоннинг хужжатини расмийлаштираслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

4.2. «Бажарувчи» хуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ Иш (хизматлар) ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш хуқуқига эга.

- Агар Иш (хизматлар) ни бажарив бериш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

5.1. Иш (хизматлар) ни белгиланган вақтда бажарив бермаганлиги учун “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ўтиб кетган муддатнинг хар бир банк куни учун бажарив берилмаган хизматнинг қийматидан 0,1 % миқдорида, лекин шартноманинг 50 % дан ортмаган миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Иш (хизматлар) ни бажарив бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун “Буюртмачи” га белгиланган устамалардан ташқари бажарив берилиши керак бўлган Иш (хизматлар) нинг 25 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “Буюртмачи” га Иш (хизматлар) ни бажарив беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.3. Иш (хизматлар) ни бажарив бериш кечикирилган ёки тўлиқ бажарив берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи” га кечикирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган кисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарив берилмаган Иш (хизматлар) қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.4. Бажарив берилган Иш (хизматлар) учун ўз вақтида ҳак тўланмаганда “Буюртмачи” “Бажарувчи”га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

#### **6. Форс – мажор.**

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошка холатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари» агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### **7. Бошка шартлар.**

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда хисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи» да иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

**8. Шартнома муддати.**

8.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгacha амал қиласди.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хукукий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

**9. Томонларнинг манзилгоҳлари ва банк реквизитлари:**

**«Бажарувчи»**

Марҳамат ДПО (ЕНГ.САКЛ.КУНГ.Ж)

Марҳамат тумани

X/p-20212000100272332001

ИНН-200284987, МФО-00035

Агробанк Марҳамат филиали



Рахбар

Н.Паязова

**«Буюртмачи»**

Марҳамат туман Ҳалқ таълими  
бўлими

Марҳамат туман Мустақиллик кўча  
ШХВ: 100022860032277092100075056

ИНН: 200286343 ИФУТ: 92400

Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ғазначилиги

x/p:23402000300100001010

МБ Тошкент шаҳар ББ ХККМ

МФО:00014 ИНН:201122919

Рахбар \_\_\_\_\_ А.Болтабоев

	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ABDURASHID BOLTABOYEV MIRZABOYEVICH
	Imzolangan sana	12.12.2022 14:47
	Hujjat kodi	<b>XI4684454120</b>
	Hulosa kodi	<b>ZC6440356331</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**ZC6440356331**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Xo'jalik shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marhamat tumani xalq ta'limi tomonidan 09.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**B.Q.YO‘LDASHEV**

12.12.2022